



ТҮРКІ ТІЛДЕС ЕЛДЕР ТЮРКОЯЗЫЧНЫЕ СТРАНЫ

Республикалық ғылыми-әдістемелік және танымдық журнал
Республиканский научно-методический и познавательный журнал

2012 жылдан бастап шығады № 1 (41) 2022 Үш айда бір шығады
Қаңтар-Наурыз

МАЗМҰНЫ

Есназарова Ұ.Ә. ТҮРКІ ТІЛДЕС ЕЛДЕР ЖЕРІН ЗЕРТТЕУ ТАРИХЫ	4
ТҮРКІ ХАЛЫҚТАРЫНЫҢ ҚАЛЫПТАСУ ТАРИХЫ	7
Х.Р.Тошов, Ё.Д.Холов, Д.Ж.Құчқорова, М.Н.Мухаммадова, З.Ф.Қодирова ЖОНДОР ТУМАНИ ГЕОГРАФИЯСИ ВА ЭКОЛОГИЯСИ: ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ	10
ЭКОНОМИКА УЗБЕКСТАНА	13
Жанерке МАРАТ ОСМАН ИМПЕРИЯСЫНЫҢ НЕГІЗІН ҚАЛАҒАН ҚАЗАҚТЫҢ ҚАЙЫ ҚАҢЛЫЛАРЫ	17
Досымхан Токқараұлы ШӘКӘРІМ ҚАЖЫНЫ ТОЛҒАНДЫРҒАН ЖЫЛДАР БОЛЖАМЫ НЕНІ МЕНЗЕЙДІ?	21
Темірбеков А.Т. БҮКІЛ ИСЛАМ ӘЛЕМІНІҢ ҰЛЫ САЯХАТШЫСЫ ГЕОГРАФ ИБН БАТУТТА	23
ИБН БАТУТТА ӨМІРІ МЕН ҚЫЗМЕТІНІҢ НЕГІЗГІ КҮНДЕРІ	26

Бас редактор:

Есназарова Ұлжалғас Әмзеқызы.

Редакция алкасы:

Қасейінов Д. Қ., ТҮРКСКОЙ Бас хатшысы

Рутвиль Эврен ТІКА-ның Қазақстандағы өкілі

Зейнеш Исмайл, профессор, Түркия

Дағдұран А., ҚР «Түркі халықтары мәдени қорының» президенті

Аламанов С.К., Қырғыз география қоғамы

Президенті, г.ғ.к., профессор

Ниязов Т. З., ҚырҰУ профессоры

Ташов Х., г.ғ.к. (Бұқара МУ кафедра меңгерушісі)

Жылқыбаева Л., Алматы Білім басқарма басшысы

Темірбеков А. Т., г.ғ.к., ҚазҰУ профессоры

Темірбекова Ж. А., ХҚТУ-нің ректоры, асс. Профессор.

Көркемдеуші редактор Сұлтанов С. С.

Техникалық редактор Темірбекова Ж. А.

Компьютерде беттеген Куватова А. С.

Құрылтайшы: «Географиядан республикалық атаулы мектеп» ЖШС
Қазақстан Республикасының байланыс және ақпарат
министрлігінде 16.12.2011 жылы тіркеліп, №11679-ж куәлігі берілді.

Редакцияның мекен-жайы:

050067. Алматы қ., Б. Әшімов көшесі 347

тел. 8(727) 2 97-35-48, тел/факс 297-35-49.

e-mail: ataulymektep@mail.ru

«Түркі тілдес елдер – Тюркоязычные страны» журналының редакциясына келіп түскен қолжазбалар өңделеді. Редакция жолданған материалдардың сапасына жауап бермейді, материал көшіріліп басылған жағдайда «Түркі тілдес елдер – Тюркоязычные страны» журналына сілтеме жасалады.

Теруге 10.02.2022 жылы жіберілді. Басуға 20.02.2022 жылы қол қойылды. Көлемі 60x84/8. Сандық басылым. Таралымы 500 дана.

Журнал «EuroPrint» баспа-полиграфиялық қызмет көрсету орталығында дайындалды. (Шымкент қ. Әйтеке Би көшесі 28А)

ЖОНДОР ТУМАНИ ГЕОГРАФИЯСИ ВА ЭКОЛОГИЯСИ: ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

Х.Р.Тошов

Бухоро давлат университети экология
ва география кафедраси доценти

Ё.Д.Холов

Бухоро давлат университет

экология ва география кафедраси мудир

Д.Ж.Қўчқорова, М.Н.Муҳаммадова, З.Ғ.Қодирова

Бухоро давлат университети экология ва

география кафедраси биринчи босқич магистрантлари

Джондор ауданының географиясы мен экологиясы: тарихы мен зерттеу бағыттары
География и экология Жондорского района: история и направления исследований

Жондор тумани географияси ва экологиясини ўрганиш ўлкашунослик соҳасидаги тадқиқотларнинг муҳим масалаларидан саналади. Туман Бухоро воҳасида жойлашган қадимги манзилгоҳлардан бири. У 1935 йил 17 январда ташкил этилган ва ўтган даврлар мобайнида маъмурий чегараси бир неча марта ўзгартирилган ва қайта ташкил этилган. Масалан, туман ҳудуди 1962 йил 24 декабрдан бошлаб, Бухоро ва Ромитан туманлари таркибига киритилган. 1967 йил 9 январда эса қайта ташкил этилган. Аввало Жондор ҳудуди тўғрисидаги дастлабки маълумотларни Бухоролик машхур тарихчи Наршахийнинг Бухоро тарихи асаридан олиш мумкин [12].

Бугун тумanning табиати, тарихи, иқтисодий-ижтимоий тараққиётига бағишланган адабиётлар анчагина. Улар турли даражада, яъни баъзан умумий ҳолатда ёки қисқа тарзда методик кўрсатма, маълумотнома шаклида яратилган, холос. Ҳатто туман географияси ва экологиясини ўзида мужассамлантирган илмий асарлар ҳалигача яратилмаган. Албатта, 1991 йилгача кўплаб илмий ишлар Бухоро вилояти, Қуйи Зарафшон доирасида амалга оширилган [1, 5, 13, 14, 16]. Уларнинг баъзилари монография, илмий-оммабоп рисолалар кўринишида нашр этилган [15, 16].

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришган дастлабки йилларида Бухоро вилояти туманларига бағишланган оммабоп адабиётларни нашр қилиш соҳасида ижобий силжишлар кузатилди. Шулар қаторида “Жондор ва жондорликлар” номли рисола ҳам чоп этирилган. Кейинчалик, тарихчи олимлардан Қ.Ражабов ва Ф.Темировлар томонидан “Жондор туман тарихи” (қисқа маълумотнома, 2015) китоби ҳам ўқувчиларга тақдим қилинди. Унда туман тарихи атрофида ёритилган. Аммо унинг табиати умумий тарзда бир бет саҳифада берилган [6].

Бугунги кунда Жондор туманида вилоят аҳолисининг (180 мингга яқин) қарийб 10 фоизи яшайди. Аҳолининг 60 – 65 фоизини эса ёшлар ташкил этади. Туман ёшларини юксак маърифатли ҳамда маънавий – маърифий руҳда тарбиялашда “Жондор тумани географияси ва экологияси” номли туркум асарларга эҳтиёж катта. Чунки Бухоро вилоятида, жумладан Жондор туманида ҳам кўплаб геоэкологик муаммолар борки, уларни бартараф этишда ҳудуд аҳолиси, хусусан ёшларининг географик ва экологик маданиятлари катта аҳамиятга эга. Иккинчидан, Бухоро вилояти аҳолиси қадимдан “қумбости”, “гармсел”, “қорасовуқ”, “қумбўрони” каби ўндан ортиқ табиий офатлардан азият чекиб келишган. Бугун ҳам уларнинг хавфи мавжуд. 2020 йил 27 апрель кундаги довул оқибатларини эсга олиш кифоя қилади. Рус олими Г.С.Заозерский ўзининг мақоласида «Ўзбекистон округларининг бирортасида Бухорода бўлганидек қумлар ҳужумидан нобуд бўлаётган суғорма ерлар ва қишлоқларнинг фожиали манзараси кузатилган эмас» деб, ёзган эди [2].

Муаллифлар ушбу мақолада Жондор туманининг географик ва экологик хусусиятларини ўрганилишига муносабат билдиришди. Дастлаб, туман номининг маъноси, кум кўчиши бўйича манбалар кўриб чиқилди.

Жондор сўзининг тўғрисида топонимист олим С.Қораевнинг “Ўзбекистон вилоятлари топонимлари” (2005) асарида куйидаги маълумотлар берилган.

Жондор—кишлоқ, шаҳарча, Жондор тумани маркази. ... Жондор Бухорода “жаллод” маъносида бўлган. Ясовул (полиция) бошлиғи ҳам жондор дейилган. Жондор сўзининг “жони-жонивор, тирик мавжудот” маъноси ҳам бор. Бухоро амири Ҳайдарнинг (1800-1826) шахсий котиби бўлиб ишлаган Мирзо Содик Мунши Жондорий Содик тахаллуси билан шеърлар ёзган ва ҳозиржавоб, ўткир зехли киши бўлган. Жондор қишлоғига сув келмай қолиб, қурғоқчилик бошланганда Содик Жондорий амир номига ариза ёзган: “Нажотпаноҳ! Ҳамма нарса, хусусан Жондор сув билан тирик”. Адабиёт ва заковатни ҳурмат қиладиган Амир Ҳайдарга бу сўз ўйини жуда ёқиб тушган ва Жондор қишлоғига сув очишга фармон берган. Чунки, Жондорнинг “тирик мавжудот” маъноси ҳам бор. Ромитан туманида Бозоржойжондор, Каттажондор номли қишлоқлар қайд қилинган [10, 57-58 бетлар].

Жондор тумани географияси, ўсимликлари, ҳайвонот дунёси, тупроқлари ҳақидаги маълумотлар таниқли олимлар И.Назаров, А.Файзиев, С.Бақоев, Ў.Тожиевлар асарларида мавжуд. И.Назаров туман ҳудудини табиий географик жиҳатдан 2 қисмга ажратган. Туман ҳудудининг биринчи қисми Бухоро воҳасида, қолган қисми Урганччўл ва Ўртачўлда жойлашган. Рельефи асосан текисликдан иборат. Текисликлар бағрида алоҳида дўнгликлар (Учбош, Шўрқудук) учрайди [10].

Бухоро вилояти ландшафтлари ва уларнинг ресурсларини ўрганган Х.Р.Тошов мазкур ҳудудни ўрганилишида таниқли олимлардан Л.С.Берг (1913), Р.И.Аболин (1929), Н.Л.Корженевский (1960), В.М.Четиркин (1960), Т.В.Звонкова (1962, 1965), П.Фуломов (1966), М.Умаров, (1967), И.Қ.Назаров, (1971-2007), М.П.Петров (1973), Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай (1975), П.Баротов (1977), Н.А.Когай (1982), Б.А.Федорович (1983), Ю.Б.Раҳматов (1984), У.Нуров (1990), Х.Р.Тошов (2008) ларнинг тадқиқотларини қайд қилиб ўтган [14].

Ҳозирги Бухоро воҳаси ва унга ёндош ерларда кўл-тўқай, кейинчалик воҳа ландшафтларининг шаклланишида Зарафшоннинг энг йирик ўнг тармоғи Вобкент дарёнинг ўрни катта бўлган. Бу тармоқ Зарафшоннинг Ҳазора йўлагидан Бухоро воҳасига чиққан жойдан, яъни Абумуслим тепалиғи этагидан бошланган. У ғарбий йўналиш билан Кўлипинган-Кўлимавлиён – Наршахта – Зандани – Қоқуштувон - Варахша – Моҳонқўл йўналиши билан оққан. Археолог олимлар Я.Фуломов ва А.Р.Мухаммеджановнинг маълумотларига кўра миллоддан аввалги IV минг йилликнинг охири ва II минг йилликлар давомида Вобкентдарёнинг куйи қисмида қадимги “Варахша воҳаси” деб номланган маскан таркиб топган. Ижтимоий ҳаётнинг ривожини туфайли кейинчалик бу мавзе ўтроқ чорвачилик ва деҳқончиликнинг йирик марказига айланади. Ўзлаштирилган ерлар майдони кенгайган уларнинг чегараси ҳозирги Бухоро воҳаси чегарасидан 12-35 км гача чўл ичкарасигача кириб борган Суғориладиган ялпи майдон эса 110-120 минг гектарга етган. Шу даврларда фақатгина Варахша воҳаси эмас, ҳозирги Бухоро воҳаси ўрнида аҳоли масканларининг гавжумлиги деҳқончилик, маънавият, маданият билан боғлиқ тизимларни мавжудлигини қайд қилиш жоиздир.

Зарафшон дарёсининг қадимги тармоқлардан бири Моҳондарё туманининг ҳозирги Яккатут темир йўл станцияси ёнидаги Оғар қишлоғи яқинида асосий ўзандан ажралиб чиққан ва Қорақўл платосининг шимоли-шарқий этаги орқали Амударё ўзани томон оққан. Э.Д.Мамедовнинг фикрича ушбу бифуркацияланиш миллоддан аввалги V-IV минг йилликлар чегарасида, бундан 6000 йил муқаддам Дарёсойда сув қуриб, ижтимоий ҳаёт Оёқоғитма атрофига кўчган даврда рўй берган.

Жондор тумани ҳудудида 2 та экосистема тафовут қилинади. 1. Чўл экосистемаси 2. Агро-экосистема (воҳа) [18].

Ҳозирги кунда чўл экосистемасининг табиий ресурсларидан фойдаланишдаги кўпэгалик, бирёкламалик, экологик саводсизлик, режасизлик ўзининг салбий оқибатларни тугатиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Туманнинг чўл экосистемасида 2021 йил февралдан бошлаб, март ойи давомида фитомелиорация йўналишидаги “Яшил қоплама” дастури асосида 40000 га худудга саксовул (10000 га ерга кўчат, 30000 га ерга уруғ) экиш бошлаб юборилган. Яқин келажакда чўл экосистемасининг умумий камбағаллашувини олди олинадиган, яйловларнинг қуввати 30-40% га оширилади.

Хулоса. Жондор тумани географияси ва экологиясини ўрганиш кейинги йилларда ҳам ўлкашунослик йўналишидаги тадқиқотларнинг долзарб масалалардан бири бўлиб қолади. Уларнинг мавзулари ва йўналишларини тўғри танлаш аҳолининг географик ва экологик саводхонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Гулямов П. Физико-географические процессы сельскохозяйственного значения в приоазисной полосе долины реки Зарафшан Автореферат. Изд-во МГУ, 1956.
2. Заозерский С.Г. Опыт закрепления песков северной периферии Бухарского оазиса. / Социалистическая наука и техника. №9, 1934. 156-168 с.
3. Звонкова Т.В. Бухарская область. Природные условия и ресурсы Юго-Западного Узбекистана. Ташкент, «Наука», 1965. с. 304-336.
4. Когай Н.А. Физико-географическое районирование Туранской части Средней Азии. Ташкент, «Фан», 1969. 131 с.
5. Назаров И.К. “Бухоро – Қорақўл воҳабўйи кумлари ва уларни ўзлаштириш”. Геогр. Фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.я. – Т., 1975. – 126 б.
6. Назаров И.К. Абиогенные потоки в аридных геосистемах: оптимизация природопользования. (На материалах нижней части р. Зарафшан). Ташкент, «Фан», 1992.-101 с.
7. Назаров И.К., Тошев Х.Р. Ландшафтлар ресурсшунослиги. Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 23-жилд. Тошкент, 2003. 18-20 б.
8. Назаров И.К., Тошев Х.Р. Табиий географик районлаштиришнинг методологик асослари ва амалиёт. / Табиий ва иқтисодий географик районлаштиришнинг долзарб муаммолари. Тошкент, 2004.-Б.15-18.
9. Назаров И.К. Тошев Х. Географик чегаралар ва амалиёт. / Тоғ ва тоғолди худудлардан фойдаланишнинг географик асослари. Тошкент, 2002.-Б. 96-98.
10. Назаров И.К. Жондор тумани. 1994.-67 б.
11. Назаров И.К. Факторы опустынивания в Бухарской области Узбекистана. / Проблемы освоения пустынь. Международный научно-практический журнал. Ашхобод, 2000, №1, С. 45-48.
12. Наршахий. Бухоро тарихи. Тошкент «Шарқ баёзи», 1993.-128 б.
13. Нуров У. Динамика и природные ресурсы дельты р. Зарафшан. Автореф. на соиск. уч. степени канд. геогр. наук. Ашхабад, 1990.-25 с.
14. Тошов Х.Р. Чўл ландшафтлари ва уларнинг агроимкониятларидан самарали фойдаланиш (Бухоро вилояти мисолида). Геогр. Фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.я. – Т.,2008. – 126 б.
15. Тошов Х.Р., Раҳимов О.Ҳ., Ҳикматова Г.И. Сув кадри. Бухоро, “SHANZOD PRINT” босмаҳонаси. 2018.100 б.
16. Умаров М. Природные ресурсы низовьев р. Зарафшон и их использование. Т.: Изд-во «ФАН» . – 173 с.
17. Ражабов Қ., Темиров Ф. Жондор туман тарихи (қиска маълумотнома). Т.: “Tafakkur” 2015. – 52 б.
18. Экологический атлас Узбекистана. Т. ЮНЕСКО. 2007. 47 с.
19. Қораев С. “Ўзбекистон вилоятлари топонимлари”. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2005. – 240 б.